

# **Бош прокурор ўринбосари Шеробод туманида**



Ўзбекистон Республикаси Бош прокурори ўринбосари - Иқтисодий жиноятларга қарши курашиш департаменти бошлиғи Шамсиддин Шарафиддинович Соҳибназаров Шеробод туманига ташриф буюрди.

Ташриф давомида туман ҳокимлиги мажлислар залида яширин иқтисодиётни қисқартириш бўйича ишчи гуруҳи вакиллари билан сухбат ўтказилди. Сухбат жараёнида туманда олиб борилаётган ишлар таҳлил қилинди. Бош прокурор ўринбосари яширин иқтисодиётни қисқартириш бўйича ўзининг таклифлари ва тавсияларини берди.

Кейинги манзили туман марказий дехқон бозори бўлиб аҳоли учун яратилган шароитлар ва нарх наволар билан тинишди.

Шундан сўнг, Бош прокурор ўринбосари туманнинг тиббиёт марказига ташриф буюриб соҳадаги камчиликлар юзасидан бир қанча топшириқлар берилди.